

---

## **“Планета знаний” номли нодавлат хусусий умумий ўрта таълим мактаби янги ўқув йилига шай**

Марғилон шаҳридаги “Тошлоқтепа” МФЙ ҳудудида “Планета знаний” номли нодавлат хусусий умумий ўрта таълим мактаби қуриб битказилди.

Холматова Шоира номли хусусий корхона қошида ташкил этилган ушбу таълим маскани 160 ўринга мўлжалланган бўлиб, мактабда ўқувчиларга рус тили, инглиз тили ҳамда араб тиллари чуқурлаштирилган тартибда ўргатилади.

Бундан ташқари спортнинг сузиш, шаҳмат-шашка, карате турлари, шунингдек, ментал арифметика тўгараклари ҳам ўқувчилар учун ҳозирланган.

Мактабда ташкил этилган 8 та бошланғич синфда ўқувчиларга 15 нафар малакали педагог кадрлар таълим берадилар.

Ўқувчилар учун З маҳал иссиқ овқат ва транспорт хизматлари ҳам йўлга қўйилган.

2023-08-09 19:41:47